




Берия хақидаги китобимга мен дастлабки кунданок, 1980 йилда Нью-Йоркда «Мустабиднинг кифаси» номи билан чиккан Сталин тўғрисидаги китобимнинг давоми сифатида караганман.

Дарҳақиқат, мен Берияни мисоли бир Сталиннинг кўзгудаги аксидек тасаввур қиламан. Улар оммани бошқариш методлари ва усулларида устаси фаранг эдилар — бунда одамларга шубҳа билан, шафкатсизларча муносабатда бўлиш энг асосий восита саналарди. Г. Ягодани олайлик, унгача ишлаган Менжинский ва Дзержинский, кейин Ежов — Лубянкада фаолият кўрсатган бу кишиларнинг хаммаси, аслида хаваскор эдилар, деса бўлади. Лекин 1938 йилда Лубянкага Бериянинг келиши — бу НКВДга пихини ёрган кишининг келиши бўлди.

Сталиннинг атрофидаги, унинг қўл остидаги кишилар, юмшоқ қилиб айтганда, на аклан, на мардоналиклари билан, на ўз касбини пухта эгаллаганликлари жихатидан ярқ этиб ажралиб турган кишилар эмасдилар. Булар орасида фақат Берия бошқача эди. У хатто — ақлга зид равишда! — узокни кўрадиган одам бўлиб чикди: жаҳолатпарастнинг жаҳолатпарастни, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, жаллодликни касб қилиб олган бу одам шундай ислохотлар қилишни таклиф этдики (масалан, колхозларга нисбатан) ва ташки сиёсатни шундай ўзгартириб юбормокчи бўлдики (икки герман давлатини қўшиб

юбориш мумкин деди), сафдошлари уни Совет давлатининг душмани ва Коммунистик партиянинг душмани, деб бемалол айтишлари мумкин эди.

Сталин ва Берия тўғрисидаги китобларим устидаги ишим узок вақт тўхтаб қолди, чунки менга анча вақт отамни оқлаш билан шугулланишга тўғри келди. Хрущёв эълон қилган оқлов қуруқ гапдан иборат шунчаки иш бўлди, аслида эса Антонов-Овсеенкодан «троцкийчи» ва «халқ душмани» ёрлиги охириги пайтларгача олиб ташланмаган эди. Хрущёв оқловидан кейин, бундай қулфат кўп йиллар Лениннинг сафдошлари бошига тушмаганида, мен бу ҳақда тўхталмаган бўлур эдим. Улар мутахассис тарихчилар учун, бу демак, ўқувчилар учун ҳам халқ душмани бўлиб қолдилар. Шунинг учун ҳам мен шу масала билан шугулландим. 1965 йилда сиёсий адабиётлар нашриётида «Инқилоб номи билан» китобимни, кейин Ленинград нашриётида яна бир янги китобимни чоп эттирдим. Фақат шундан кейин Сталин ва Берия мавзуси билан шугулландим.

Ҳокимиятнинг юқори погоналарида Сталин ўлиmidан сўнг галати вазият юзага қолди. Марказий Қўмита қотиби лавозимини эгаллаган Хрущёв ҳали йўлбошчи сифатида тан олинмаганди. Бу ерда ҳамма нарсани Берия билан Маленков ҳал қилар эди. Сталиннинг илгариги суюкли кишилари — Молотов, Каганович, Ворошилов, Микоян — бу икки қудратли шахсга қарши туриб, Никита Хрущёвнинг позициясини мустаҳкамлай олишмади ва буни хошлашмади ҳам. Сарой фитначилари, тажрибали амалпарастлар бўлган бу кишилар ҳеч қачон бир-бирларига ишонишмасди, ўз рақибларининг ҳар бир қадамини гайрлик билан қузатиб боришарди, уларни ҳеч нарса бирлаштирмасди. Дарвоқе, улар учун умумий бўлган нарса — ҳокимият ишки, мансабдан ажраб қолишдан, қўрқувдан иборат эди.

Хрущёв партия аппарати, кўп йиллик тажрибага таяниб, марказдаги ва жойлардаги ходимларнинг ўз иродасига сўзсиз бўйсунушига эришди. Лекин унда дадиллик етишмаётганди. Берия эса қутарди. Эллик учинчи йилнинг баҳорида Президиумда қучларнинг беқарор мувозанати юзага қолди. Уни биринчи бўлиб қим бузади?

Берия партиянинг юқори органини қаттиқ қилқиб ташлаш учун қамин ҳозирлай бошлади. Унинг садокатли, ўз тасаввурига, ёрдамчиси — Маленков қор эди. Бу одам қой тажрибага ва марказий аппарат билан мустаҳкам алоқага эга эди. Берия қудратли қазо ва қидирув органларига қаянардиги ва Президиум аъзолари уюшмаганидан қўнгли қасқин тоқарди. Бундай вазиятда унга қим ҳам қарши тура олади?

Май ойида Хрущёвнинг Қиевда қирга ишлашган дўсти Тимофей Строчак ташвишли ҳабар қелтирди: Украинанинг ички ишлар ташқилотлари қарча қучларни қалб қилиш ва қанқовар тайёр ҳолатда туриш тўғрисида махфий тоқширик олди. Партия қотиби

бўлган Никита Хрущев Сталин кўл остида дам масхарабоз, дам малай ахволига тушиб, калтираб, жилпанглаб неча йил яшади? Эндиликда эса Берия пайдо бўлаяпти...

Лекин унинг режаларини кандай билса бўлади? Шунда такдир омадсиз партия етакчисига раҳм қилгандай, унга душман томондан иккита қочокни юборди. Ички ишлар вазири ўринбосарлари Иван Серов ва Сергей Круглов, ўз бошлиқларининг имкониятларини чамалаб кўришиб, уни сотишга қарор қилишди. Улар Никита Сергеевичга Бериянинг барча режаларини маълум қилишди, қуролли исён кандай режалаштирилганлигини, қисмлар жойлашган ерларни, фитначиларнинг исм-шарифларини айтишди.

Биринчи навбатда энг қийин вазифани бажариш—Марказий Кўмита Президиуми аъзоларини ягона мушт қилиб бирлаштириш керак эди. Кейинчалик унинг ўзи ҳикоя қилишича, Сталин кўл остида ишлаганларнинг биронтаси ҳам ишонса бўладиган, қатъиятли кишилар эмасдилар. Кўп йиллар бурун эқилган «уруғ» ўз самарасини бераётган эди. Молотов — «у ҳали тип эди» (Хрущевнинг ўз ибораси). Маленков — Лаврентий Бериянинг яқин дўсти. Ворошилов — кўрқок ва лаганбардор. Каганович — охириги пайтда қаяққа оғишини, қимга қўшилишини ҳеч қачон қилиб бўлмайдиган Лазарь-мугамбир. Булганинга ишонса бўлади, лекин бошқалар бош тортса, у ўзини кандай тутар экан?

У Николай Булганиндан, мудофаа вазиридан бошлади. Кўрикчилар дивизиясини қаяқ армиягина енгизиши мумкин. Хрущев Булганин билан Сталин ҳаётлигида умумий тил топишганди, Бериянинг зўравонликларига биргаликда қидашганди, бундан буён ҳам бирга бўлишга аҳд қилишди. »

Анастас Микоян билан Хрущев бир машинада шаҳар ташқарисига чиқишди, автомобилни тош қўчада қолдириб, иккиси ўрмон ёнидаги ялангликда сайр қилиб, қишлоқ мавзуда суҳбатлашишди. Микоян иққиланди: «Мен Лаврентий Павловични 1919 йилдан бери қиламан, менинг қўз ўнгимда у йирик партия қодими қарақасига етди, қизмат қўрсатган одамни бирдан қуриб ташлаш яхши эмас... Унинг ҳатоларини қўрсатишсин... У ўрқоларча танқидни қисобга олади...»

Хрущевга Микоян билан яна гаплашишга тўғри қелди.

Молотов билан музоқаралар, қутилмаганда, қиллик ўтди. Хрущев билан шаҳар ташқарисига қорғанидан бир неча қун аввал Қавлат ҳавфсизлиги қизмати, Вячеслав Михайловични оғоланқирмасдан, унинг шахсий қўрикқисини алмашқирди. Молотов ҳавфли фитначиларга анчадан бери ташқиш ва шубҳа билан қараб қурган эди. Улар уни иққинқи, йўқ, энг орқа қаторга қуриб қўйишди ва эндиликда бундан ҳам ёмонроқ бир нарқани тайёрлашмоққи. Сталиннинг қўп йиллик сафдоши бўлган бу қишининг ақли қалта эди, лекин табиат ўзини муҳофаза қилиш. туйғусидан уни ҳам бебаҳра қилмаганди. Молотов Хрущевни сўзсиз қўллаб-қувватлашни ваъда қилганида, у бир

зарб билан Берияни ҳам, Маленковни ҳам гумдон килади, деб ўйлаганди. Лекин Никита Сергеевич бу икки дўстнинг орасини бузишга уриниб кўрмокчи бўлди. Уларнинг дўстлиги у қадар мустаҳкам бўлмаса керак? Бошқалар катори Маленковнинг ҳам кулаб кетиш хавфи бор-ку.

Хрущев Маленков билан очикчасига гаплашишга кўркди: кутилмаганда сотиб қўйса-чи? Лекин у, бу нозик масалада сўз очиши биланок, Маленков дархол кўпчилик тарафида эканлигини маълум килди. Шу куни Хрущев Воздвиженкага борди. Олий Совет Президиуми Раиси воқеа бундай чаппасига айланиб кетишини кутмаган эди.

— Менга нимани таклиф қилаяпсиз? Ўртоқ Берия—ажойиб ленинчи-ку. Мен Лаврентий Павловични ҳамиша ҳурмат қилганман ва ҳеч ким мени бу фикримдан қайтара олмайди! — деб баланддан келди Клим Ворошилов.

— Кўп дод-вой қилаверма, худо ҳақки, бу ерда сен билан мендан бошқа ҳеч ким йўқ. Сен беҳабарсан, Президиумнинг барча аъзолари биз билан. Агар ҳозир шошилинч чоралар кўрмасак, у бизни битта-биттадан гумдон қилади, нахотки шуни тушунмасанг?.. Лекин маршал кўркоклик килди.

Лазарь Каганович ҳам Ворошиловники сингари фикр билдирди. Хрущев унга ҳамма гапни очик айтди: Маленков, Молотов, Сабуров, Булганин «розимиз» дейишди. Нихоят, Каганович кўпчилик тарафида бўлишини маълум қилгач, Ворошилов тўғрисида сўради. Хрущев маршалнинг сўзларини такрорлади. Каганович тутокиб кетди: «Кари туллак! У сизни алдабди, менга Берияни хушламаслигини, у хавфли одам эканлигини, ҳаммамизни йўқ қилиши мумкинлигини айтган-ку...»

Хрущев Ворошиловни яна бир синаб кўришга қарор қилди ва унинг олдига Маленковни юборди. Маленков аниқ ҳаракат режасини маълум қилганида, Ворошилов уни кучоклаб йиглади...

Бирликка эришилган захоти Булганин билан Жуков кучларни жалб қилишга киришдилар. Лекин Бериянинг айгокчиларига билдирмаган ҳолда Москва остонасида ва Москванинг ўзида қандай қилиб қўшинларнинг кучли жанговар гуруҳини юзага келтириш мумкин? Москва ҳарбий округи қўшинлари қўмондони бўлмиш Артемьев Бериянинг садокатли хизматкори-ку. Илгари у ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари дивизиясига командирлик қилган. Мудофаа вазирининг биринчи қўмондони иши шу бўлдики, ёзги маневрлар баҳонасида Артемьевни Москвадан узокка — Смоленск туманига жўнатиб юборди.

Май ойи ўрталарида Берлинда тўполонлар, ишчиларнинг иш ташлаши бошланди. Марказий Қўмита Президиуми у ерга Лаврентий Берияни юборишга қарор қилиб, унга

бир гурух харбийларни кўшиб жўнатди. Берия йўгида Маленков, Булганин ва Хрущев тор доирада кенгаш ўтказишиб, кудратли вазирни бартараф этишнинг аник тадбирларини белгилаб олишни режалаштиришганди. Кимдир 20 майга Президиум мажлиси белгиланганлигини Берияга маълум қилишга улгурди. Берия ўша захоти кўнгирок килди:

— Сиз у ерда нима максадда йигилмокчи бўлаяпсизлар? Кун тартиби қандай?

— Одатдаги мажлис, кишлок хўжалиги масаласини муҳокама қиламиз.

— Нима сабаб билан? Менга ҳамма материалларни юборинглар. Референтларга тегишли материалларни дархол тайёрлаб, Берлинга жўнатишга тўғри келди. Эртаси куни Берия яна кўнгирок килди:

— Нега Марказий Кўмитанинг кишлок хўжалик бўйича вазирни йўқ, нега вазир йўқ? Нега бундай бемаънигарчилик қилаяпсизлар? Мен учиб бораман.

У Москвага йигилиш арафасида етиб келди ва бизнинг фитначиларимизга кишлок хўжалиги муаммолари муҳокамасининг қинакам сахнасини ўйнашга тўғри келди. Ўйланган операция кечиктирилди, хали бу ишга зарур тайёргарлик қўрилмаганди. Сталиннинг кекса сафдошларидан бўлган Анастас Микояннинг позицияси айниқса ташвишланганди. Ахир Хрущевга у билан икки марта гаплашишга тўғри келди. Микоян кўпчиликка кўшилишга тайёрга ўхшарди, лекин у ўз ваъдасига вафо қилармикан? Ворошилов ҳам иккиланаётган кўринади...

Бу орада вазият янада кескинлашди.

Маленков ва Булганинга Минск шохўли туманида, Москва яқинида яширин равишда десант дивизияси тузилаётганлиги хақида хабар етиб келди. Бу маълумотлар харбий разведка ташкилотлари орқали маршал Жуковга маълум бўлди.

Июнь ойи бошида, Берия қандайдир бахона билан мамлакатнинг турли вилоятларидан 400та партия ходимини қисқа муддатли курсга тўплаганлиги маълум бўлди. Курсантларнинг ярмига яқини Кавказорти жумхуриятларидан келди. Уларга тўппончалар берилди ва Кремлга чакирилиб қолишлари мумкинлиги хақида огохлангандилар.

* *

26 июнь Берия камаладиган кун қилиб белгиланди. У Кремлга йигилишга қелиши билан барча харбий академиялар тревога билан кўтарилди ва пойтахтга алоҳида ишончли дивизиялар қиради.

Марказий Кўмита Президиумининг барча аъзолари бўлажак йигилишдан хабардор эдилар, факат уч киши — Маленков, Булганин ва Хрущевнинг ўзи — бу мажлисда нима бўлишини, операциянинг умумий режаси қандайлигини билишарди. Яна бир кишига — маршал Жуковга ишнинг барча иқир-чиқирларини маълум қилишди. Ўша пайтда у факат Марказий Кўмита аъзолигига номзод эди.

Мана, шу кун етиб келди. Кремль комендант генерал Ваденин Москва якинидан ўгли командирлик килган полкни чакирди.

РСФСР Олий Совети номидаги билим юрти куролларини шай килиб турди, худди Кремлни кўшинлар босиб олгандай эди.

1953 йил 26 июнь. Шу куни соат бирда Никита Хрущев Москва шаҳри ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари кўмондони генерал-полковник Кирилл Семенович Москаленкони ҳузурига чакирди:

— Садокатли кишиларинг борми? Шундай кишилар бўлсинки, сен уларга худди ўзингга ишонгандай ишонгин?

Москаленко: Топилади, Никита Сергеевич.

Хрущев: Ўзинг билан тўртта кишини олиб кел. Ёнларида сигаралари ҳам бўлсин.

Москаленко: Қандай сигаралар?

Хрущев: Нима, сен унутдингми, фронтда буни қандай аташларини?

Генерал эслади. Хрущев тўппончани назарда тутган эди.

Хрущев: Бош штаб ховлисида сени Булганин кутади. Тез бўлакол. Москаленко шу захоти кўл остидаги офицер Виктор Иванович Юферева чакирди ва Хрущевнинг топширигини маълум килди. У подполковникдан сўради:

— Қандай ўйлайсан, Батицкийга ишонса бўладими?

Юфев харбий ҳаво кучлари бош штаби бошлигини ишончли одам, жанговар генерал сифатида биларди. У, Москва шаҳри ҳаво ҳужуми мудофааси штаби бошлиги Алексей Иванович Баксовга ҳам тўла ишонса бўлади, деди.

— Яна кимни олсак бўлар экан? — сўради Москаленко.

Юфев Сийсий бошкарма бошлиги Иван Григорьевич Зубанинг номини тилга олди.

Хайдовчини хисобламаганда беш киши бўлиб йўлга тушишди. Бош штаб ховлисида Москаленконинг гуруҳини маршал Булганин кутиб олди. Унга шахсий кўрикчилар бошлиги подполковник Федор Безрук ҳамроҳ эди. Вазирнинг автомобили, яна ўшанака ЗИС-110 га ўтиришди.

— Кремлга хайданг, — деб буйруқ берди Булганин.

Троицкий дарвозасига якинлашганларида, Булганин огохлантирди:

— Кўринмайроқ ўтиринглар.

Харбий қорувлар олдида муваффақиятли ўтишди, бурчакдаги алоҳида ҳукумат йўлагига якинлашиб, иккинчи қаватга кўтарилишди. Мана, бир пайтлар Сталин ўтирган хона. Ҳозир бу ерда Марказий Кўмита Президиуми йигилишлари ўтказилади. Булганин ичкарига кирди, бошқаларни қабулхона қаршисидаги туташ хонага олиб киришди. У ерда ўн беш-йигирма нафар одам — Марказий Кўмита ходимлари, бир неча генераллар ва маршал Жуков бор эди. Ҳамма бемалол гаплашиб, ҳазиллашиб ўтирарди, латифалар айтишарди...

Шу пайтда Хрущев пайдо бўлди. У Москаленкога якинлашди:

— Сизга Президиум аъзоларидан бирини хибсга олишга тўғри келади. Эҳтимол, у куролланган бўлиши ҳам мумкин...

Хрущев барваста қоматли Батицкий ва Юфевга қаради.

— Сизлар унга якинлашасизлар. Қачонлигини сизга айтишади... Кейин уни қўлга оласизлар.

Юфев: Отиш ҳам мумкинми?

Хрущев: Йўқ, қамаб, тергов учун сақлаш керак. Курол ишлатилмасин. Ҳозирча ҳамма шу ерда қолади. Иккита узун қўнғирок товушини эшитишингиз билан, қотибнинг ёнидан

ўтиб, ҳеч кимга эътибор бермай, мажлис бўлаётган жойга кириб бораверинглар. Хрушчев чикиб кетди. Берия йигилишга кечикиброк келди-ю ўз ўрнини эгаллаб, сўради: — Кун тартибида нима масалалар?

— Кўриладиган масала битта, — деб жавоб берди Хрушчев, — Лаврентий Берия тўғрисида. — Маленковга караб кўшимча килди: — Маърузани бошла.

Чорак соат ўтмай, иккита узун кўнгирок чалинди. Харбийлар эшикни очишди, котиб уларнинг йўлини тўсди. Беш киши уни четлаб ўтиб, каршидаги хонага киришди. Улар ортида маршал Жуков ҳам бор эди.

...Раислик ўрнида — Маленков, ўнг томонда — Хрушчев, унинг ёнида — Булганин, эшикка яқинрок жойда — Берия, Лаврентий Павловичнинг каршисида — Ворошилов. Кирганлар Булганин яқинида, Бериянинг ортида тўхташди. Маленков маърузасини тугаллаётган эди: «...Кўриб турибсизки, Берия нафакат ички душман, балки халқаро микёсдаги душман ҳамдир. Уни дархол камаб, мана бу ўртокларнинг кўлига топшириш таклиф килинади.»

Батицкий ўзининг «парабеллуми»ни, Юферов — «ТТ»сини чикарди.

Берия бошини эгиб ўтирар ва асабий ҳолатда коғозга нималарнидир ёзар эди. Кейин маълум бўлишича, у факат бир сўзни — «тревога»ни ёзган экан, бу сўзни ўн тўққиз марта такрорлабди. Нихоят, Берия бошини кўтарди, бу пайтда харбийлар унинг ёнида туришарди — Юферов чап томонида, Батицкий ўнг томонида.

Жуков келиб: — Кўлингизни кўтаринг. Сиз камокка олиндингиз, — деди.

Тарихий бир сурат сакланиб қолган: Берия билан Ворошилов худди ога-инилардек кучоклашиб туришибди. Лекин Клим омадли Лаврентийни ҳамиша ёмон кўрган ва ундан кўркан. Кўрқок маршал воқеалар нима билан тугабини билолмай қийналарди — ахир бу қудратли чекистни унинг эски ошналари, ўша Иван Серовнинг ўзи ҳам қутқариб қолиши мумкин эди-да. Никита Сергеевич унга беҳудага ишонди. Берияни нихоят Марказий Кўмита Президиуми хонасидан олиб чиқишганда, Ворошилов ҳозир у нозир бўлди. Басавлат сокчиларнинг кўзларига синчилаб тикилди. Подполковник Юферов ўз фуражқасини котиб хонасида қолдирган эди ва чикиб кетаётиб уни олмокчи бўлди. Шунда Ворошилов югургилаб келиб: «Мен сенга ҳозир, чирогим, узатиб юбораман», деди.

Марказий Кўмита Президиумининг шошилиш мажлисида Берияни Москва харбий округи штабига ўтказишга қарор қилишди. Берия ва унинг кўл остидагилар иши бўйича терговга Бош прокурор Руденко бошчилик қилди.

Берияни майдони ўн икки квадрат метрдан ортиқ бўлмаган кичик бир хонага камашди. Қаравот, курси — бутун хона жихози мана шундан иборат эди. Тергов ўша ерда, бункерда олиб борилди. Бош прокурорга алоҳида хона ажратиб беришди.

Москаленко мунтазам округ штабида бўлиб турди. Юферов билан бирга шу ерда тунади. Штабни танклар ва бронетранспортёрлар кўриклаб туришди.

Бериянинг уст-бошини — ипгазламадан тайёрланган солдат гимнастёркаси, шими билан алмаштиришга тўғри келди. Унга Москва харбий округи штаби гаражидан солдатлар ейдиган таомдан олиб келиб бериб туришди, идиш-товоғи ҳам солдатларникидай: котелок ва алюмин қошиқдан иборат эди.

Дастлабки кунларда Булганин ҳар кеча 12 дан сўнг камокхонага кўнгирок қилиб турди.

— Ишлар калай? Тинчликми? Махбус ўзини қандай тутаяпти?

Агар генерал Москаленко ухлаб ётган бўлса, Булганин ер ости хоналаридан бирида мунтазам навбатчилик қиладиган подполковник Юфреван ахборот олар эди.

Биринчи марта у 1920 йилда камалган. Ушанда Багировнинг ёрдамида озодликка чиққан эди. Садокатли дўстлар бу гал ҳам ёрдам беришса керак, улар анави махмадона Никитани ўз фикрлари билан ҳисоблашишга мажбур қилишади. Маленковчи, Маленков! Унга қанча яхшилик қилган эди-я!.. Агар Лаврентий бўлмаганида, у Ўрта Осиёда сургунда юрган бўларди. Шунда ҳам хўжайин унга тирик қолиш имконини берса. Берия эшикни тақиллатиб, қалам ва қогоз сўради. Унга дафтар варағи ва қогоз беришди.

«Ёгор мени тасодифий кишилар олиб кетишганлигини нахотки билмасанг ахволни шахсан маълум қилишингни истайман қачон қақирасан».

Берия Григорий Маленковни Ёгор деб атади. Хатдаги гапларни бош ҳарф билан бошлашни ҳам, имло белгиларини қўйишни ҳам унутди.

У хатни навбатчи офицёрга берди...

Икки кун ўтди. Маленковдан садо бўлмади. Махбус унга иккинчи бор мактуб юборди.

«Ёгор нега жавоб бермаяпсан?».

Бир парча қогозга қалам билан ёзилган ҳар икки хат ҳам Хрущевга қелиб тушди.

Терговда Берия ўзини такаббуруна тутди, факат прокурор гувоҳлар асосида исботлаш, мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлган айбларгагина иқроқ бўлди. Ўзини оқлашнинг янгидан-янги усулларини ўйлаб топиб, терговчиларни ҳар жихатдан қалқаштиришга ҳаракат қилди.

Тергов ярим йил давом этди. Хужжатлар, гувоҳларнинг далиллари, сўроқ протоколлари ўн тўққиз томни ташкил этди. Иш бўйича Бериянинг олти сафдоши: Владимир Деканозов, Всеволод Меркулов, Лев Влодзимирский, Павел Мешиқ, Сергей Гоглидзе, Богдан Кобулов — Берия қаллақесарлар армиясининг факат бир қисми жавобгарликка тортилдилар.

Бу кишилар — Меркулов, Деканозов, Кобулов, Гоглидзе, Цанава... Лаврентий Берияга ўттиз йилдан ортиқ хизмат қилишди. Уларнинг ахилчилиги бузилмасдай туюларди. Бироқ биринчи синов — тергов ва суд — Берия тузган иттифок беқарорлигини кўрсатди. «Берия — амалпараст, бузғунчи ва бонапартист», — деди судда Богдан Кобулов. Владимир Деканозов унга қўшимча қилди: «Берия ўзини ҳар жихатдан амалпараст, шаддод ва ёвуз одам сифатида кўрсатди». Маълум бўлишича, ўттизинчи йиллардаги қарийб ҳамма қама-қамалар унинг шахсий топшириғига биноан амалга оширилган экан... Жиноятчилар тўдаси бошлигининг жиноий фаолиятини баҳолашда Всеволод Меркулов анча босиқлик қилди, лекин Лаврентий Цанава аниқ-равшан қилиб гапирди. Беларуссиянинг собиқ Давлат хавфсизлиги вазири, 1937-1938 йилларда Берия ўзига ўринбосар бўлиб ишлаганларнинг ҳаммасини ва ўзининг кўпгина собиқ бошлиқларини оттириб юборганлигини маълум қилди. Цанава уни шафқатсиз, золим, деди. Савицкий ва Мичурин-Ларин судда Лаврентий Бериянинг қаддан ташқари ҳокимиятпарастлиги, шон-шўхратга муқкасидан қетганлиги ҳақида гапиришди.

Нихоят, Берияга айблов ҳулосаси билан танишишни таклиф қилишди. Руденко қатта ҳажмли, юз бетли хужжатни ўқишга қиришганида, Берия қулоқларини беркитиб олди.

Прокурор изох талаб килди.

Берия: Мени тасодифий кишилар камокка олишди... Мен, ҳукумат аъзолари мени тинглашларини истайман.

Руденко: Сизни ҳукумат қарорига биноан камашди ва сиз буни биласиз. Биз сизни айблов ҳулосасини тинглашга мажбур киламиз.

Суд округ штабининг биринчи каватида бўлаётган эди. Зал Марказий Кўмита Президиуми аъзолари хоналари билан микрофон оркали боғланган эди.

Дастлаб Берия ўзини жинниликка сола бошлади: кўлини силкиб, гавдасини дам олдинга, дам орқага ташлай бошлади... Шунда бирдан олдига Москаленко келиб, унинг шими тугмаларини кесиб ташлади. Шим тушиб кета бошлади ва махбус жим бўлиб қолди.

Судда катнашаётганларга фахшнинг қурбони бўлган икки юздан ортиқ аёлнинг рўйхати тақдим қилинди. Шунда ҳеч қутилмаган ходиса юз берди: Берия суд раисига мурожаат қилиб, уларнинг номини айтмасликни, шарманда қилмасликни сўради. Суд кенгаши кириб кетди ва бир овоздан қарор қилди — судланувчининг талаби қондирилсин.

Судга гувоҳ сифатида бир неча аёл таклиф қилинган эди. Леля Дроздова судланувчи билан алоқалари ҳақида анча батафсил гапирди, у бир неча йил унинг дала ховлисида яшаган эди. Уни кўргач, Бериянинг ранги оқариб кетди, гавдасини олдинга олди. Эҳтимол, у Дроздовадан жилла курса бир неча оғиз миннатдорчилик сўзлари эшитарман, деб қутган бўлса керак... Лекин аёл сўзини уни қандай зўрлаганлиги ҳақидаги аччиқ ҳақиқатни гапиришдан бошлади. Бир оғиз ҳам яхши сўз айтмади. Кейин Дроздованинг онасини сўроқ қилишди. У кизининг далилларини тўлдирди ва судланувчининг хатти-ҳаракатларидан газабланганлигини баён этди. Она ўз сўзи охирида тавон сифатида Бериянинг мусодара қилинган барча буюмларини беришни талаб этди.

Берия юзини қафтлари билан беркитиб тинглади. У йиглади. Унинг бу судда сўнгги марта йиглаши эмасди. Қарийб чорак аср муқаддам, Қутаиси камокхонасида ҳам у йиглаб, гуноҳларини кечиришни сўраган ва ниятига етган эди. Эндиликда у қандай мақсадни кўзлаётган эди? Л. Дроздованинг кўрсатмалари айблов ҳулосаси матнига қиритилган. Унда шу нарса тилга олинганки, Берия 1944 йилда захм касали билан оғриган ва даволаш курсини тугалламай, тасодифий аёлларга касалини юктирган. Шу муносабат билан суд уни жиноят кодексининг тегишли моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортди.

Бу судда аён бўлган қонли воқеалар бир неча дахшатли романга етарли эди.

Ўлимга ҳукм қилинган жиноятчини Москва ҳарбий округи штаби бункерида қатл қилишди. Унинг гимнастёркасини ечиб олиб, ичкўйлақда қолдиришди, орқасига қайрилган кўлини тахтага қокилган илгакка маҳкам боғлаб қўйишди. Бу тахта қузатувчиларни ўқ сакраб кетишидан саклаши керак эди.

Прокурор Руденко хукми ўкиб берди.

Берия: Гапиришга рухсат беринг...

Руденко: Сен ҳамма гапингни айтиб бўлдинг. (Харбийларга): огзини сочик билан беркитинглар. ,

Батицкий: Ўрток кўмондон, менга рухсат беринг (ўз «парабеллумини олади). Мен бу тўппончам билан фронтда кўплаб аблахларни у дунёга жўнатганман.

Руденко: Хукми ижро этинг.

Батицкий кўлини чўзди. Берия богич устидаги кўзларини бирини олайтириб, иккинчисини кисиб караб турарди. Батицкий тепкини босди, ўк махбуснинг пешонасига тегиб, гавдаси арконга осилиб колди.

Катл маршал Конев, прокурор, бир гурух харбийлар ва суд аъзоси Кучава иштирокида амалга оширилди.

Врачи чакиришди. «Унинг нимасини кўраман, — деди врач, — тайёр бўлибди-ку. Мен уни билардим, аллақачон чириб бўлган эди...»

Бериянинг жасадини хомсурпга ўраб, крематорийга жўнатишди. Ўша куни Лубянкада катл этилган олти сафдошининг жасадларини ҳам ўша ёкка олиб боришди.

Инсоният тарихида энг машхур золимлардан бирининг мураккаб хаёти ана шундай тугади.

Лаврентий Бериянинг ўлими билан аник ифодалаш кийин бўлган золимлик даври нихоясига етди. Энди ўша шармандали ўтмишни лаънатлашни бас килиб, унинг кайта такрорланишига йўл қўймаганлардан миннатдор бўлайлик.

А. Антонов-Овсеенко. "Литературная газета" иловаси "Досье"дан таржима килинди.